

ЮНЕСКО/Польша Республикаси ҳукуматининг муҳандислик соҳасидаги стипендиялар танловини эълон қилади

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг 2019 йил 18 мартдаги 067/19-сонли хатига асосан, ЮНЕСКО/Польша Республикаси ҳукуматининг муҳандислик соҳасидаги 2019 йил учун стипендиялар танловини эълон қилганлигини маълум қилмоқчимиз.



Мазкур стипендияларнинг асосий мақсади ривожланаётган мамлакатларда муҳандислик соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашдир. Танловда танлаб олинган номзодлар Польша Республикасида олти ой давомида қуйидаги соҳалар бўйича ўқиб, малака ошириш имкониятига эга бўладилар:

- **Биотиббиёт мутахассислиги;**
- **Қурилиш ва транспорт мутахассислиги;**
- **Тупроқшунослик ва атроф-муҳит;**
- **Атроф -муҳит муҳандислиги, кончилик ва энергия;**
- **Материалшунослик;**
- **Механика муҳандислиги;**
- **Социология фанлари.**

Танловга ҳужжатлар **жорий йилнинг 22 апрель кунига қадар** ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия томонидан қабул қилинади.

Маълумот учун: 71 267-05-42, 71 267-05 61 ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия котиби.

Танлов шартлари ва ариза шакллари илова қилинади. [87-03-1078 pdf](#)